

турациясининг жадаллашув тенденцияларини стратегик режалаштириш мумкин бўлади;
– ресторон хизматларини сенсорли маркетинг технологиясини қўллаш асосида новербал

коммуникация каналлари орқали силжитишни такомиллаштириш имконияти ортади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Euromonitor International Restaurant & Catering Services (Global) - Industry Report.
2. Портэр, Майкл, Э. Конкуренция.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом "Вильямс", 2005. – 608 с.
3. Туватова В.Е. Использование средств маркетинга для продвижения ресторанной продукции // Питание и общество. – 2010. – № 11 – С. 6–7.
4. Смирнов И.Г. Логистика в ресторанном бизнесе [Текст] / И.Г. Смирнов // Логистика: проблемы и решения. - 2009. - Ноябрь-декабрь (№ 6). - С. 79.
5. Эргашходжаева Ш.Ж. Инновацион маркетинг. Дарслик. – Тошкент, 2016 й.–142 бет.
6. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишининг омили. Монография. – Тошкент: ДУК "Наврӯз", 2014 й.
7. Сборник технологических карт на блюда и кулинарные изделия для заведений ресторанных хозяйствства [Текст] / [авт.-сост. А. М. Беляева]. - 2-е изд., испр. - К.: А. С. К.: Игнатекс-Украина, 2012. - 1247 с.
8. Ibodov K.M. Restoran ishida marketing. Darslik. – Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA" nashriyoti, 2022 у.-434 б.
9. Ибодов К.М. Ресторан хизматларининг инновацион салоҳиятини таҳдил қилиш ва баҳолаш услубиятими тақомиллаштириш // "Biznes-Эксперт" Иқтисодий илмий-амалий журнали, 2021 йил 1 (157)-сон, 74-79 б.
10. Ибодов К.М. Ресторан хизматларини бошқариш самарадорлигини оширишинг инновацион усуллари // Actual problems of modern science and innovation in the Central Asian region: collection of articles of the international conference . – Jizzakh, 2020. – 718 pages. 415-423 бб.
11. Ibodov K.M. Analysis of the Factors Influencing the Efficiency of Restaurant Services Using the Method of Hierarchical Analysis. European Scholar Journal, 2(2), 77-81.
12. Ibodov K.M. The State and Development Trends of the Restaurant Services Sector: Case-Study of Samarkand Region. Journal of Marketing and Emerging Economics, 2(5), 42–48.
13. Ибодов К. (2022). Ресторан хизматлари соҳасини тадқиқ этишининг назарий-методологик жиҳозатлари. //Iqtisodiyot va ta'lim, 23(4), 327-332. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/603>.
14. Тўраев Х., Турдикбеков Х.И., Бердиқулов В., Исломов Ш.М., Ибодов К.М. Мехмонхона хўжалигида хизматлар сифатини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2020 йил. – 382 бет. 249 б.



МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИГА ТЎҒРИДАН -ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a12

Жамолов Жўрабек Жамолович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, докторанти

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлаш ва қимматли хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма замонавий ихчам корхоналарни ташкил этиши учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишининг самарали ташкил этиши масалалари тўғрисида баён этилган.

Калим сўзлар: “очиқ эшиклар” сиёсати, хорижий инвестиция, иқтисодий сиёсат, стратегия, спорт имконияти, инвестиция фаолияти инвестицион муҳим, инвестицион сиғим, инвестицион лойиҳалар, инвестицион жозибадорлик, инвестицион сиёсат

ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ОТРАСЛИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

Жамолов Джурабек Джамолович -
Ташкентский государственный
экономический университет, докторант

Аннотация: В статье изложены вопросы эффективной организации привлечения прямых иностранных инвестиций для развития отраслей экономики Республики Узбекистан, обеспечения их интеграции в мировую экономику и создания совместных современных компактных предприятий по производству готовой продукции на основе переработки ценного сырья.

Ключевые слова: политика «открытых дверей», иностранные инвестиции, экономическая политика, стратегия, экспортные возможности, инвестиционная активность, инвестиционная среда, инвестиционная емкость, инвестиционные проекты, инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика.

ISSUES OF EFFECTIVE ORGANIZATION OF ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENT IN THE COUNTRY'S ECONOMIC SECTORS

Jamolov Jurabek Jamolovich -
Tashkent State University of Economics, doctoral student

Annotation: The article outlines the issues of effective organization of attracting foreign direct investment for the development of the sectors of the economy of the Republic of Uzbekistan, ensuring their integration into the world economy and the creation of joint modern compact enterprises for the production of finished products based on the processing of valuable raw materials.

Key words: open door policy, foreign investment, economic policy, strategy, export opportunities, investment activity, investment environment, investment capacity, investment projects, investment attractiveness, investment policy.

Кириш. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш замонавий илғор техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу вазифани самарали ҳал этиш учун эса иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш талаб қилинади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда давлат инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуидаги фикрлари шу ҳақида: "Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз. Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозим. Бунинг учун ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатларидағи әлчиларимиз нафақат сиёсий, айни вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор. Уларнинг бу борадаги фаолияти назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман [1].

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа турдаги маблағларга нисбатан анча барқарор инвестиция манбаи ҳисобланиб, улар қисқа муддатли спекулятив ҳарактерга эга бўлган капитал оқимларидан фарқли ўлароқ узоқ муддатли капитал қўйилмаларга бўлган талабни қондиришга муҳим аҳамият касб этади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ва улар иштирокидаги корхоналарнинг фаол иш олиб бориши, ноу-хау, янги технологиялар, янги иш ўринларининг яратилиши, маҳаллий саноат ва хом ашё маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши, шунингдек, мазкур корхоналарда меҳнат қиласига ишчилар иш ҳақлари ҳамда турмуш даражасининг яхшиланиши билан боғлиқ қатор ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар

кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади. 2020 йилда 202 триллион сўм асосий капиталга бўлган инвестициялар ўзлаштирилган. Уларнинг 65,5 фоизи жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, умумий сумма эса 34,6 фоизни ташкил этди.

Бунда 86 триллион 647 миллиард сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг 42,9 фоизи хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган. Жами хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 32 триллион 847 миллиард сўмни ташкил этган ва қолган 53 триллион 799, 8 миллиард сўм хорижий кредитлар ҳисобига тўғри келган. Бу борада, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 28 триллион 740 миллиард сўмни ташкил этган ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 фоиз пунктга камайиб, 14,2 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган.

Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимизда экспорт миқдори 9 миллиард доллардан ошган бўлса, 2021 йилда 12 миллиард долларни ташкил этган. Эътиборлиси, бунда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши сезиларли кўпайган[2].

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтирилишида иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида, ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда келгусида такомиллаштириб бориш зарурдир. Чунки, юқорида таъкидланганидек, чет эл технологияларини олиб келиш ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этиш, корхоналарни техник-технологик янгилаш асносида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларни ташқи бозорда

ўз харидорлариға эга бўлишини таъминлаш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳиятини ўрганишга бағишиланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Фарб олимларидан К.Макконнелл фикрича, инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими жараёнидир[3].

Р.Кэмбелл инвестицияларнинг туб моҳиятини ёритиб берган, инвестициялар – бу ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий захираларни кўпайтириш ҳаражатларидир деб берилган таъриф амалий назарий жиҳатдан ифодалаб беради[3].

Д.М.Розенберг ўзининг «Инвестициялар» луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, инвестиция – кўпайтириш, даромад олиш ёки капитал ўстириш мақсадида пул сарфланишидир, деган фикрни юритади[4].

Миллий иқтисодиётдаги инвестицияларнинг ролига баҳо бериб, россиялик иқтисодчи олим Е.В.Михайлова «инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда кўйиш сифатида ифодаланади» деган фикрни илгари сурди[5].

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан академик С.С.Гуломовнинг фикрига кўра, инвестиция деб ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий, ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор – бир инвестицион объектга сарфлашига айтилади[6].

Бу тушунча Д.Ғозибеков берган таърифга кўра, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бўлмаган бугунги қийматни алмаштиришдан иборат. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган қалтисликлар билан боғланишини келтиради[7].

А.Собировнинг эътироф этишича, инвестициялар – даромад олиш ёки ижтимоий самара га эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари обьектларига инвесторлар томонидан қўйиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидир[8].

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган муаллифларнинг «Инвестиция» тушунчасига берган таърифлари хозирги шароитга ва бозор иқтисодиёти талабларига мос келади. Барча таърифлар инвестициянинг иқтисодий мазмунини очиб берган.

Тадқиқот методикаси. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг самарали таш-

кил этиш масалалари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар инвесторларнинг мазкур мамлакатда ишлаб чиқаришни жойлаштириш қарорига таъсир этувчи, яъни мотивацияси омилларига кўра қуидагича таснифланади: ресурсларни кўзловчи (resource seeking FDI); самародорликни ошириш мақсадидаги (efficiency seeking FDI); бозорни кенгайтириш мақсадидаги (market seeking FDI); стратегик активларни кўзловчи (strategic asset seeking FDI) [9].

❖ Ресурсларни кўзловчи инвестициялар (resource seeking FDI) – хорижий инвестор сармоя киритишининг классик мотивацияси бўлиб, ривожланаётган давлатнинг арzon табиий ресурсларга бойлиги уларни жалб этади ва бу инвестициялардан асосий мақсад табиий ресурсларни ички бозор ҳамда экспорт учун қазиб олиш ва ишлов бериш.

❖ Самародорликни ошириш мақсадидаги инвестициялар (efficiency seeking FDI) - ишлаб чиқариш ҳаражатлари паст ва ишлаб чиқаришда ишчи кучидан интенсив фойдаланиш мумкин бўлган иқтисодиётларга сармоя киритиш, яъни глобал бозор учун ишлаб чиқаришда банд бўлиш.


❖ Бозорни кенгайтириш мақсадидаги инвестициялар (market seeking FDI) – бу импортга қатъий чеклашлар қўйилган бўлса, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ривожланаётган мамлакатларнинг маҳаллий бозорларига кириш мақсадида ишлаб чиқариш секторига инвестиция киритиш, яъни кенг миқёсда ички бозорга хизмат кўрсатиш. Кўшимча сабаблар транспорт ҳаражатлари, маҳаллий истеъмолчилар дидидаги фарқлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

❖ Стратегик активларни кўзловчи (strategic asset seeking FDI) – инвесторларга рақобатда устунлик яратувчи ва кўп ҳолларда бошланаётган монополияни берувчи активларни қидириш, яъни ноу-хау, илмий тадқиқотларга инвестиция киритиш.

Юқорида таърифлаб ўтилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг барча турлари иқтисодий ривожланишга ёрдам бергани билан ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатларининг барчаси ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун бир хилда яхши қуролланган, яъни қулай инвестиция иқлимига эга, деб бўлмайди. Масалан, “ресурсларни кўзловчи” инвесторлар мамлакатнинг иқтисодий ривожла-

ниш даражасига унча эътибор бермай, асосан табиий ресурслар билан бойлигига аҳамият берадилар. Ривожланаётган мамлакатларнинг барчасида ишлаб чиқариш харажатлари паст ва етарли ишчи кучи бор, агар кулай инвестиция иқлими мавжуд бўлса, “самарадорликни кўзловчи” бевосита инвестициялар оқими ошади. Мазкур мамлакатларнинг барчасида ҳам “бозорни кўзловчи” хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун кўп сонли аҳоли мавжуд эмас, лекин улар очиқ савдо сиёсатини олиб боришлари туфайли каттароқ ва жозибалироқ минтақавий бозорларни яратиш орқали бундай инвестицияларга эришишлари мумкин.

Хорижий инвесторларни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, юридик, маданий, табиий, илмий-техник ва бошқа характердаги омиллар қизиқтиради. Албатта, инвесторлар салоҳиятни аниқлаш ва даромадга таъсир этадиган таваккалчиликни белгилаш билан боғлиқ саволларни бир тартибда ўрганиб чиқадилар. Юқорида келтирилган омиллар тўпламидан йиғиладиган, инвестиция йўналишига тааллуқли ахборотни бир тушунча “инвестиция иқлими” билан ифодалаш мумкин. Жаҳон банкининг 2019 йил “Жаҳон тараққиёти ҳисоботи”да инвестиция иқлимига салбий таъсир этувчи омиллар қуйидаги 1-расмда тавсифланади.



1-расм. Инвестиция иқлимига салбий таъсир этувчи омиллар, (% да) [10]

Юқоридаги 1-расмнинг таҳлили шуни кўрсатадики, инвестициявий фаолликнинг ривожланишига тўсқинлик қиласидиган асосий омиллар:

– макроиқтисодий беқарорлик, бу – салбий макроиқтисодий кўрсаткичлар (иқтисодий ривожланишнинг салбий динамикаси, инфляциянинг юқори даражаси, бюджет тақчиллиги, тўлов баланси тақчиллиги, ички ва ташки қарзларнинг юқорилиги).

– мамлакатдаги сиёсий беқарорлик, ижтимоий кескинлик (этник ва диний тартибсизликлар, иш ташлашлар, коррупция, бюрократия, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва ҳ.к.).

Чет эл инвестицияларини муваффақиятли жалб қилиш З гурӯҳ омилларига ҳам боғлиқ бўлади:

Биринчидан, инвестиция қувватини мавжудлиги. Уни табиий, меҳнат заҳиралари, шунингдек ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қиласи.

Иккинчидан, мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор меъёрий-ҳуқуқий, аҳборот билан таъминлаш, экологик, ижтимоий, этно-

график ва ижтимоий маданий шароитлар киради.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омиллариидир. Улар чет эл инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради. Барча гурӯҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади. Инвестиция таваккалчилиги – ўтиш иқтисодида бўлган, чет эл инвестицияларни жалб қилиш бўйича шароитларни шакллантираётган давлатлар учун рискнинг муҳим турларидан биридир. Шунинг учун ҳам таваккалчиликни, унинг манбаларини ва унинг олдини олиш усусларини аниқлаш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаётий вазифа ҳисбланади.

Ўзбекистондаги мавжуд инвестиция муҳити, фикримизча, инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулийликлар яратиш керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг

хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларга мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар.

Мамлакатимиздаги энг асосий ҳал этилиши керак бўлган масалалар: Коррупция, Сансоларлик, Бюрократия. Муаммоларни ҳал этиш ва

кулай инвестиция муҳитини яратиш учун хориж тажрибасига юзланмоғимиз керак. Хусусан Сингапур биз бугун курашмоқчи бўлиб турган масалаларни аллақачон ҳал этган. Шу сабабли биз коррупцияга, сансоларликка ва бюрократияга қарши курашиш борасида Сингапур тажрибасига тўхталиб ўтамиз.

1-жадвал

Коррупцияни қабул қилиш индекси, мамлакатлар рейтинги [11].

№	Мамлакат	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Дания	88	88	87	88	88
2.	Янги Зеландия	89	87	87	88	88
3.	Финляндия	85	85	86	85	88
4.	Сингапур	84	85	85	85	85
5.	Швеция	84	85	85	85	85
6.	Норвегия	85	84	84	84	85
7.	Швейцария	85	85	85	85	84
8.	Нидерландия	82	82	82	82	82
9.	Люксенбург	82	81	80	80	81
10.	Германия	81	80	80	80	80
11.	Буюк Британия	82	80	77	77	78
..
27.	АҚШ	75	71	69	67	67
..
102.	Қозоғистон	31	31	34	38	37
..
122.	Украина	30	32	30	33	32
..
136.	Россия	29	28	28	30	29
..
140.	Ўзбекистон	22	23	25	26	28
..
144.	Қирғизистон	28	29	29	31	27
..
150.	Эрон	30	28	26	25	25
..
169.	Туркманистон	19	20	19	19	19

Коррупцияга қарши курашиш тизими. Сингапурда Коррупцияни текшириш бўйича бюроси(КТБ) ташкил этилди. Бу Бюро биринчи навбатда ҳокимиятнинг юқори бўғинларидаги йирик пораҳурликларга асосий эътиборини қаратади. Сингапур хукумати коррупционерларни жазолаш муаммосига дуч келар экан, қонунларни тобора кучайтириб борди[12].

Сингапур хукумати 1937 йилда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга 1960-йилда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳамда жазо чоралари кучайтирилди. 1989 йилга келиб коррупцияга солинадиган энг кўп жарима миқдорини 10 мингдан 100 минг Сингапур долларигача оширилди. “Маълумки, баскетбол ўйинида кимнинг қўлига тўп тушса, ҳамма рақиб ўйинчилари ўша ўйинчидан тўпни олиш учун хужум қилишади. У эса тўпдан тезроқ қутилиш учун ўз жамоасининг ўйинчисига тўпни узатиб юборади. Ўи шу тарзда давом этаверади. Ли Куан Ю мамлакатга раҳ-

бар бўлиб келганида давлатнинг барча тизимларида “баскетбол қоидаси” хукм сурар эди. Яъни тадбиркор ёки инвестор бирор масала билан молия ташкилотига мурожаат қилса, 3-4 кундан кейин бу масала банк тизимига, ўз навбатида банк тизими эса солиқ қўмитасига, у эса божхона ташкилотига, божхона эса яна молия ташкилотига, бу ташкилот ўз навбатида хавфсизлик ташкилотига узатишарди. Шундай қилиб, хужжатлар тегишли ташкилотнинг “қалби юмшатилмагунча” бир-бирига узатилиб, айланниб юрарди. Ли Куан Ю мамлакатдаги илдиз отиб кетган мана шу “баскетбол ўйин қоидаси”ни, яъни мурожаатларнинг бир ташкилотдан иккинчисига “копток” қилиб узатиш механизм йўқотди. Унинг “иқтисодий масалаларда ва инвестиция киритишга муаммо пайдо бўлишидан ечулгунга қадар - бир кун” бергани ва бу масалада ҳеч кимни, қариндошлари ва дўстларини ҳам аямагани ҳаммага маълум. У эски тизимдан қолган коррупция келтириб чиқарувчи барча

қоида, қарорлар, қонунлар ва хужжатларни тезлик билан ўзгартирди [12].

Коррупцияни текшириш бўйича бюро (КТБ)га 24 соат давомида Сингапур Бош вазири Ли Куан Юга мурожаат қилиш руҳсати берилганиги. яна бир карра коррупцияга қарши курашиб ишлари самарадорлигини оширишини амалда исботлаб берди [12].

Сингапур бош вазири Ли Куан Юнинг яна қўйидаги фикрлари аҳамиятли: “Вазир лавозимида ишлаш учун етарли салоҳият ва фазилатлари бўлган одамга тегишли миқдорда маош тўламасак, у бу лавозимда узоқ вақт меҳнат қилишига ишониши қийин. Чунки хусусий секторда топаётган даромадининг бир қисминигина олади. Аксарият Осиё мамлакатларида вазир ва бошқа амалдорлар кам иш хақи олганликлари учун ҳам ҳукуматни ҳалокат ёқосаги олиб келишган деб айтган [12].

Сингапурда коррупцияга қарши кураш З та муҳим йўналишга қаратилган:

- ❖ Порахўрларни давлат аппаратидан чиқариб юбориш;
- ❖ Давлат хизматларини максимал дараҷада соддалаштириш;
- ❖ Аниқланган ҳукуқбузарлик ҳолатлари бўйича жазо чораларини кучайтириш [13]. Сингапурдаги Коррупцияга қарши Бюро чекланмаган ваколатларга эга. Масалан, у: коррупцияда гумон қилинаётган мансабдор шахсни суд қарорини кутмасданоқ қўлга олиши ва тинтуб ўтказиши; банк ҳисоб рақами ва улуш активларни текшириши; хоҳлаган гувоҳларини сўроққа чақириши; давлатнинг исталган фуқаросини жавобгарликка тортиши мумкин [14].

Биз қўриб чиққан Сингапур мисолидан мамлакатимизга жорий этишимиз керак бўлган ишлар қўйидагилар деб билдик:

- ❖ Ушбу Сингапур давлатида Коррупцияга аёвсиз қарши кураша оладиган бюро ёки ташкилот тузиш керак;
- ❖ Бу тузилган ташкилотни орқасида бевосита ҳукумат раҳбари туриши керак;
- ❖ Пора билан ушланган жиноятчилар аёвсиз жазоланиши керак;
- ❖ Пора билан айибланган давлат ишчилари қайтиб ишга олинмаслиги.

Биз кейинги иккинчи таҳлил қилмоқчи бўлган салбий омил бу сансоларлик, сансоларлик бу – бирор иш бажаришдан ўзини тортишлик; бирбирига солиб, муаммони ўз вақтида ҳал қилимаслиқ; пайсалга солиб чўзишлиқ демакдир. Сансоларлик ҳолатини ҳал этишда асосий бирламчи омил қонунларнинг ўқори даражада амал қилинишига боғлиқ. Яъни қонунларга инвестор мурожаат қиласиган бўлса ва у ўз ҳуқуқини талаб этаётган бўлса, пайсалга солаётган давлат ҳизматчиси аёвсиз жазоланиши керак. Сансоларлик ҳолатини Сингапур мисолида юқо-

рида таъкидлаб ўтдик, унда пайсалга солишилик ҳудди баскетбол ўйини жараёнига ўхшатилган. Инвесторни безиллатадиган бу ҳолатни ҳал этишини айнан Сингапур бош вазири Ли Куан Ю жаноблари ўз вақтида Коррупцияга қарши Бюрога бартараф этиш борасида топшириқ бериб, бу ёмон иллатдан иқтисодиётни қутқарган.

Учинчи таҳлил этмоқчи бўлган омилимиз Бюрократия. Бугунги Ўзбекистон кучли бюрократлашган давлатдир, бизнингча бюрократияни мамлакатда камитириш борасида ҳали жуда кўп иш қилиниши керак. Яъни керак бўлса камида 10-20 йил вақт талаб этилиши мумкин. Биргина мамлакатнинг Қишлоқ ҳўжалиги тармоғи энг юқори даражада бюрократлашган. Бу тармоқда ҳатто Инвестиция киритиш ҳам кимларнингдур буйруғи ёки таниш билишчилиги билан ҳал этилади. Охирги йилларда ҳукумат имкон қадар давлат мулкларини сотиш, ижарага бериш ва шерикчилик қўринишида фойдаланиш учун тақдим этиладиган хужжатларни соддалаштиримодда. Ва давлат активларини сотиб олиш ва ижарага бериш ишларини онлайн қўринища шаффофлаштиришга харакат қилмоқда.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестицияни маҳсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имконини беради. Бу ерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестиция каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқарилган қонуний база чет эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳукуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги енгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидағи шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлади [15].

Фарб мамлакатларида ҳукумат капитал қўйилмаларни фаоллаштириш стратегиясида қўпроқ хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришнинг эгри усулидан (солиқ, амортизация, молия-кредит сиёсати) фойдаланишни афзал қўришади. Сўнгги йигирма йилликда ғарбда инвестиция қарорларини қабул қилишда ва амалга оширишда маҳаллий худудларнинг жавобгарлиги ва роли ошиб бормоқда. Қатор мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия) маҳаллий органлар хорижий инвестицияларни ва инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда етарлича мустақилликка эга. Бу ерда инвестиция бозорини мувофиқлаштиришнинг асосий воситаси сифатида даромад солиғи (фойда солиғи) қўлланилади. Бу солиқ ставкасининг ўзгариши фирма ва компанияларнинг инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этади. Умуман сўнгги 20 йил мобайнида ривож-

ланган мамлакатларда инвестиция фаолияти кенг компьютерлаштириш, ресурсларни тежаш, янги замонавий технология, шунингдек маҳаллий ҳокимиятни роли ва жавобгарлигини ошириш асосидаги янги бошқарув тизими асосидаги

иктисодиётни тузилмавий қайта қуришга йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимиятларга инвестиция дастурларини бошқаришда, экологик сиёсатни юргизишда ва худудий режалаштиришда асосий рол белгиланган.

2-жадвал

2021 йил “Қонун устуворлиги индекси” бўйича мамлакатлар рейтинги [16].

Рейтинг	Мамлакат	Индекс
1	Дания	0.90
2	Норвегия	0.90
3	Финляндия	0.88
4	Швеция	0.86
5	Германия	0.84
6	Нидерландия	0.83
7	Янги Зеландия	0.83
8	Люксембург	0.83
9	Австрия	0.81
10	Ирландия	0.81
..	...	
27	АҚШ	0.69
..	...	
47	Грузия	0.61
..	...	
68	Қозоғистон	0.52
..	...	
83	Ўзбекистон	0.49
..	...	
98	Хитой ХР	0.47
..	...	
102	Россия	0.46
..	...	
117	Эрон	0.42
118	Туркия	0.42

Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳ берадики, инвестиция дастури ва лойиҳаларининг муваффақиятли амалга ошиши унинг иштирокчилари ўртасида оптималь пропорцияни таъминлашга боғлиқdir. Ривожланган мамлакатларда худудий инвестиция сиёсатини олиб бориш ўта муҳим масалалардан саналади. Давлат доимий равишда ҳар бир худуднинг иқтисодий имконияти, ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда инвестиция сиёсатини олиб боради. Америка Кўшма Штатларида федерал даражада маҳсус хорижий инвестицияларни рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилмаган. Хорижий инвестициялар учун тавсия этиладиган барча имтиёз ва енгилликлар штатлар даражасида ишлаб чиқилган. Бу эса ўз навбатида хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича штатлар ўртасида эркин рақобатни вужудга келтиради. Ҳар бир 50 штат миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ўзининг маҳсус ишлаб чиқсан дастурига эга [17].

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, чет эл инвесторларига турли енгиллик ва имтиёзларни жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. Хитой ҳуқумати инвестициялар оқимини худудлар даражасида, ма-

ҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда. Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестицияларни йўналтириш зарурлиги аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса бир вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет эл инвестицияларни жалб этиш учун - солиқ каникули ва енгилликлари, импорт таърифлари бўйича енгилликлари каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниқса кўпгина эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган корхоналарга нисбатан бундай енгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Хозирда Хитой ҳуқумати мамлакатнинг ички туманларига кўплаб, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун, уларга узоқ муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳар қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларининг руҳсатисиз ҳаётга татбиқ этишлари мумкин. Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари Япония, Жанубий Корея, Тайван,

Сингапур каби давлатларининг қонунларига кўп жиҳатдан ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, турлича давлатнинг қонунларида чет эл инвесторлари фаолиятига чекланмалар ҳам белгиланган. Деярли барча давлатларда чет эл капитали киритилиши мумкин бўлмаган тармоқлар мавжуддир. Бир қанча давлатларда чет эл инвестициялари учун айрим тармоқлар тўлиқ ёпиқдир.

Хорижий инвесторларнинг фаолияти бўйича чекловларни мувофиқлаштиришда маҳаллий органларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Бир қанча давлатларда маҳаллий ҳудуддаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хорижий инвесторларнинг фаолиятида турлича чекловларни белгилайди. Масалан, АҚШда айрим штатларда фойдали қазилмаларга чет эл капиталини жалб этиш ман этилган бўлса, айрим штатларда ер участкасини сотиб олишда чекловлар белгиланган. Бироқ, жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, кўргина давлатларда ҳудудий инвестиция сиёсатидаги молиявий-иктисодий имтиёзларнинг ва енгилликларнинг берилиши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишларига замин яратмоқдалар. Республикамизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг инвестицион фаолиятдаги фаоллигини ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб этишда бир мухим мезон бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатини таъминлашнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

- ❖ Миллий қонуниятларнинг чет эл инвесторларига нисбатан мос меъёрларини қабул қилиш;
- ❖ Кўп томонлама шартномаларнинг меъёрларини мувофиқлаштириш;
- ❖ Капитал қўйилмаларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича давлатлараро икки томонлама шартномаларни мувофиқлаштириш;
- ❖ Аниқ олинган инвестиция лойиҳалари бўйича давлатлараро ва хорижий инвесторлар билан келишувномаларни мувофиқлаштириш.

Республикамизда бу қайд қилинган усулларнинг барчасидан фойдаланилсада, лекин бизнинг фикримизча етарли даражада эмас. Юқорида қайд этганимиздек, бизнинг фикримизча, республикамиз инвестиция фаолиятида маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини ва ролини ошириш ва маҳсус инвестицияларни рағбатлантиришнинг маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ҳудудларда инвестицияларнинг манбаси сифатида муниципал ва корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш ва улардан оладиган даромад-

лар бўйича имтиёзларни белгилаш инвестиция оқимини кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

Сансоларликни бартараф этиш масаласида таклифимиз шундан иборатки, агар инвестор мурожаат қилган давлат ташкилоти мурожаатни бир қундан ошиқ қун давомида ҳал этмаса жазоланиши борасида қоида ишлаб чиқилиши керак. Бизнингча шунда бартараф этиш осонлашади.

Келгуси беш йиллиқда 2022-2026-йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да белгиланган: Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш. Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулжаларини декларация қилиш тизимини босқичмабосқич жорий этиш. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш. Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш. Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.

Коррупцияга қарши курашища фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш.

Коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли аниқ чораларни кучайтириш. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамоили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш” [17] ишларни самарали ташкил этиш орқали коррупция ва сансоларлик каби салбий омиллар бартараф этиш устувор аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимиз охирги беш йилда янада ривожланиш йўлига ўтди. Бу ривожланиш йўли қўшни республикалар аро тотувлиқ, эркин либерал ҳамда очиқ иқтисодиёт ва диний эркинлик каби таҳсинга сазовор ислоҳотларни ўзига мақсад қилиб олмоқда. Охирги йилларда ислоҳотларни жадаллаштириш борасида кўплаб қонун ҳужжатлари, янги ташкилотлар ва ижро органлари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилди. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш борасида ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бу борада асосий ишлардан бири давлат мулкларини жадал хусусийлаштириш бўлмоқда. Мамлакатимиздаги фаолият кўрсатмаётган ёки фаолияти самараадорлиги паст корхоналар,

бинолар давлат шерикчиликда ёки маълум микдорда инвестиция киритиш, ишчи ўрни яратиш шарти билан керак бўлса “нол” қийматда хусусий мулк сифатида берилмоқда. Бир сўз билан айтганда хукуматимиз томонидан қўлдан келганча иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётни барқарорлигини оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишга эришиш учун қуидагиларни таклиф қиласиз:

❖ Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш ва солиқ тизимини соддалашибтириш, хорижий инвестицияларни рўйҳатта олиш тизимини қулайлашибтириш;

❖ Чет эллик сармоядорни қизиқтирувчи соҳаларни, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш;

❖ Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашини ошириш ва соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

❖ Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлашибтиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга яримтайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлиши зарур;

❖ Инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги банклар, инвестиция фондлари ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

❖ Иқтисодий-ижтимоий инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан, корхоналарнинг электр энергия, табиий ғаз, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги – экспортёр корхоналарни узлуксиз равишида электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;

❖ Маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги – хорижий сармоядорларни тўлақонли равишида аҳборот билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича – вилоят инвестиция салоҳияти ҳақида аҳборот берувчи интернет сайти яратиш;

❖ Хорижий сармоядорнинг лойиҳани амалга оширишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бошидан охиригача миллий сармоядорларнинг улусидан кам бўлмаган миқдорда капитали билан самарали иштирок этишини таъминлаш ва бундай масъулият ва мажбуриятлар меъёрий ҳужжатларда, жумладан, шартномада қатъий қилиб белгиланиши ва уларга амал этиши шарт.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хуносага келиш мумкинки, мамлакатимизда макроқтисодий барқарорликни таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Чунки жалб этилган инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини ошириш баробарида жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллашимиз учун асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Стратегик ривожланиши агентлиги фаолияти мухокамаси юзасидаги йиғилиши. 12.01.2022 й.
3. Кэмбелл Р., Макконнелл К. Р., Брю., С. Л.Экономика: принципы, проблемы и политика. В 2-х том. – Таллин, 1993.с.399-40.
4. Розенберг д.М. Инвестиции. – М.: Инфра, 2007. – С. 173.
5. Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование. Под. Ред. Л. Н. Красавиной. – М., 2007. – С. 357.
6. Менежмент ва бизнес асослари (дарслик). С.С.Гуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Мехнат.
7. Фозибеков Д. Инвестицияларни молиялашибтириш масалалари. – Тошкент: Молия, 2003 й.
8. Собиров А. Ўзбекистон Республика иқтисодиётига инвестициялар жалб этишини давлат томонидан тартибга солиши механизmlарини тақомиллашибтириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2009. – 12 б.
9. Dunning J. The Globalization of Business. – London: Routledge, 2017. – p.67.
10. Инвестиционный климат и частный сектор. // Экономическое обозрение. – Ташкент, 2019.–№ 9.– С.53.
11. https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_индексу_восприятия_коррупции
12. Раҳматов М., Зарипов Б. “Истеъодди инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир” китоби. – Тошкент, 2019 й, 58-б. 59-б. 61-б.
13. Раҳматуллаева Ф.М. Бозор иқтисодиёт шароитида инвестиция таваккалчилигини тадқиқ қулиш, 2017, 45 б.
14. Arifbayev B. D. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida milliy iqtisodiyot tarmoqlariga xorijiy investitsiyalarini jalb qilish masalalari va muammolari. – Toshkent, 2017. 77-78-bet.
15. <https://gtmarket.ru/ratings/rule-of-law-index>
16. Arifbayev Bobur Dilshodovich, “Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida milliy iqtisodiyot tarmoqlariga xorijiy investitsiyalarini jalb qilish masalalari va muammolari” Toshkent-2017, 79-bet.
17. Президент фармони, ПФ-60, 28.01.2022 йил, 32-бет